

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1




ТОШКЕНТ-2021

50. Наргиза Рашидова ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЯДА АРАБСКИХ ОДНОКОРЕННЫХ СЛОВ, СВЯЗАННЫХ СО СФЕРОЙ ОБРАЗОВАНИЯ.....	94
51. Рустамов Дилшодбек Абдувахидович ИЎТҚИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.....	104
52. Халилова Рухсори Рауповна ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ.....	113
53. Юлшашева Дилором Нигматовна ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ УЗБЕКСКОГО И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКОВ.....	119
54. Gulchehra Toshpro'lot qizi Cho'liyeva OHANG SITUATIV PRAGMATIK TIZIM BIRLIGI SIFATIDA.....	127
55. Mavlunova O'g'iloy Hamdamovna КИНОЯШИНГ ОЎЗАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КЎРИНИШЛАРДА КЎЛЛАНИЛИШ АХАМИЯТИ.....	135
56. Рўзиена Дилфуза Салимбоевна ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОМАН ГЕНЕЗИ СПЕЦИФИК ТАСНИФИ.....	141
57. Бойматова Дилноза Бахтиёрвна УНЎАЛМАЛИ ГАПЛАРДА ИФОЎАЛАНГАН АКЦИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАТИК ВА СЕМАНТИК ВАЗИФАСИ.....	147
Таржимашунослик	
58. Кенджаева Гулрух Фаттиллоевна METHODS OF TRANSLATING REALIAS IN THE NOVEL "DAYS GONE BY" BY A. QADIRI.....	153
59. Қўлдешов Ўқтамжон Ўрозович ТАРЖИМАДА КОНВЕРСИВЛИК ВА АНТОНИМЛИК МУНОСАБАТЛИНИНГ БЕРИЛИШИ.....	160
60. Хидирова Гулнора Нарзиевна СИТАКСИЧЕСКИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ (НА МАТЕРИАЛЕ РУССКИХ ПЕРЕВОДОВ РОМАНА А КАДЫРИ).....	167
61. Akhmedova Rano Ashurovna THE FEATURES OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS.....	174
62. Arifova Kamola Yusupovna THE DISTINCTIVE FEATURES OF TRANSLATION OF THR NOVEL "NIGHT AND DAY".....	179

СЎЗ САЊАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Mavlonova O'g'iloy Hamdamovna
Tabiiy yo'nalishlarda chet tili
kafedrasida katta o'qituvchisi
Buxoro davlat universiteti

КИНОЯНИНГ ОГЪАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КЎРИНИШЛАРДА КЎЛЛАНИЛИШИ АХАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-55>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада матндаги киноянинг функциялари, сўзининг контекст-киноявий маъносини ўзгартиришининг лугавий-прагматик жиҳатлари аниқланган. Истеҳзо бу бадний матннинг муаллифга намоён этилаётган вокеликка хиссий-баҳо муносабатини билдириш имконини берувчи муҳим концептуал категория эканлиги ўрганилган.

Киноя таърифларининг аксарияти, киноя худди ташқи кўриниш билан ҳақиқий вокелик ўртасидаги зиддиятни ўз ичига олади деган фикрга ўхшайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқат деб тахмин қилинган ва асли ҳақиқат ўртасидаги фарқдир. Киноя бу ёзувчи турли сабабларга кўра, хоҳ ҳазил бўлсин, хоҳ кулгили ҳолат, ўз ижодида ишлатиши мумкин бўлган кўплаб адабий усуллардан биридир. Эътибор бериш ва тушуниш учун ҳам ушбу адабий восита фойдали. Фақат шуниси борки, ҳар бир халқда у ўзига хос кўринишларда ифода этилиши жиҳатидан фарқланиб туради.

Таянч сўзлар: маъно, прагматика, гайрининсоний, интимизация (сўзлаш усули), коммуникатив, ўз-ўзини бошқариш, лингвопрагматик асос.

Мавлянова Угиллой Хамдамовна

Старший преподаватель кафедры
Иностранных языков по естественным направлениям
Бухарский Государственный Университет

ВАЖНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ИРОНИИ В УСТНОМ, СИТУАЦИОННОМ И ДРАМАТИЧЕСКОМ ВИДЕ

АННОТАЦИЯ

В статье определены функции иронии в тексте, лексико-прагматические аспекты изменения контекстно-иронического значения слова. Изучена, что ирония является важной концептуальной категорией художественного текста, позволяющей автору выразить эмоционально-оценочное отношение к представляемой реальности.

Большинство определений иронии сходны с идеей о том, что ирония предполагает противоречие между внешним видом и реальностью. Другими словами, разница между тем, что должно быть правдой, и тем, что реально. Ирония – один из многих литературных приемов, которую писатель может использовать в своем творчестве по разным причинам,

будь то юмористические или курьезные ситуации. Этот литературный инструмент также полезен для внимания и понимания. Единственное, что у каждого народа она отличается в плане выражения по-своему.

Ключевые слова: смысл, прагматика, бесчеловечность, интимизация (речевой метод), коммуникативный, самоуправление, лингвопрагматическая основа.

Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna
Senior Lecturer of the Department
of Foreign Languages in Natural Sciences
Bukhara State University

THE IMPORTANCE OF THE USE OF IRONY IN ORAL, SITUATIONAL AND DRAMATIC FORMS

ANNOTATION

The article defines the functions of irony in the text, the lexico-pragmatic aspects of changing the context-ironic meaning of the word. It has been studied that irony is an important conceptual category of a literary text, which allows the author to express an emotional and evaluative attitude to the presented reality.

Most definitions of irony are similar to the idea that irony involves a contradiction between appearance and reality. In other words, the difference between what should be true and what is real. Irony is one of the many literary techniques that the writer can use in his work for various reasons, be it humorous or curious situations. This literary tool is also useful for attention and understanding. The only thing is that each nation differs in terms of expression in its own way.

Key words: meaning, pragmatics, inhumanity, intimidation (speech method), communicative, self-government, linguapragmatic basis

КИРИШ

Киноя ходисаси ўзига хос маъноси ва уни амалга ошириш воситаси сифатида инглиз, рус ва ўзбек тилларида тилшуносликнинг турли соҳаларида бир неча бор тадқиқот объектига айланиб улгурди. Киноянинг энг муҳим таърифи бу маъно шаклларида бирида тақдим этилишидир. Бунда одатда, шакли ва мазмуни ўртасидаги асимметриянинг акси сифатида ёки мазмун режасини ифода режаси билан тўлиқ камраб олмаган ҳолда кўриб чиқилади. Киноя бу нутқнинг шундай шаклики, унда сўзларнинг мўлжалланган маъноси уларнинг ҳақиқий маъносидан фарқ қилади. Бу, умуман олганда, қутилганидан анча бошқача тарзда тугайдиган ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Олдин қилиб айтганда, бу ташқи кўриниш ва ҳақиқат ўртасидаги фарқ (<https://literarydevices.net/irony>).

Кишилар кўпинча суҳбатдан кўнгил ёзиш ёки умуман бировга масҳараомуз қилиб гап едирини учун киноядан фойдаланадилар. Киноя учун ишлатилган сўзлар аниқ маъносидан ташқари келишмовчилик ёхуд зиддиятни англатадиган риторик восита ёки адабий баҳо шакли бўлиб ҳам келади.

Киши ўзи айтмоқчи бўлган нарсга умуман карама-қарши нарсани мулоҳимлик билан аниқ айтганда оғзаки киноя содир бўлади. Агар томошабинлар нима юз бераётганини аниқ билиб турсалар-да, қахрамонлардан бири атрофда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлмагандек гап қилса, драматик киноя юзага келади. Ушбу концепция кўпинча драмалар билан боғлиқ. Ҳақиқий натижа аслида қутилганга карама-қарши бўлиб чиқса, вазиятли киноя юзага чиқади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қандай грамматик жиҳат бўлишидан қатъи назар, киноя, истехзо мунтазам мулоқотнинг ажралмас қисмига айланади. Бунини яхшироқ тушуниш учун киноя ақс этган қуйидаги мисолларга мурожаат қилиш мумкин:

Доктор давоси йўқ касалликка чалинди (Ҳолбуки, бу касб эгасининг ўзи касалларни даволайди).

Ўт ўчирувчилар биноси ёниб кетди (Ўт ўчирувчиларнинг вазифаси биноларни ёнғиндан сақлаш бўлса-да, ўзининг биноси ёниб кетган)

Қассобхона эгаси вегетариан (Бу қассоб эгаси ўзи гўшт сотади, лекин ўзи умуман гўшт истеъмол қилмайди).

Этикдўзининг оёғидаги пойафзали йиртилган эди (Аслида унинг ўзи оёқ кийимларини ямайди)

Лугатдаги “қиска” сўзининг изоҳи жуда ҳам узун эди

“Вафодорингман” кўшигини куйлаган кўшикчи аёл аслида уч марта турмушга чиққан (Кўшикчининг куйлаган кўшиги билан қилган амали тўғри келмайди)

Парапютада юкоридан сакраган учувчи қўрқувдан юрагини ховучлаб, кўм-кўк майсалар устига тушди (Аслида баланд фазода фаолият бажарадиган кишининг сакрашдан кўрқини мантикка тўғри келмайди).

Мия тадқиқотлари шунинг кўрсатадики, одамларнинг атиги йигирма фонтида киноя туйғуси бор, демак, дунёнинг саксон фонти ҳамма нарсани асл киймати билан қабул қилади. – Doug Coupland (Tulika Naig. Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day)

Киноя кўп йиллар давомида нутқда, санъатда ва кундалик ҳаётда ишлатилган адабий усул ва риторик воситадир. Гарчи киноя узок вақтдан бери ишлатилган бўлса-да, шу ўтган йиллар давомида унга оид аниқ таърифлар мавжуд эмас эди, аммо умумий келишув куйидагича: Киноя – бу кутилган ва аслида содир бўладиган нарсалар ўртасидаги зиддият ёки номувофиқлик бўлган нутқ шакли.

МЕТОД ВА ТАҲЛИЛ

Чунинчи, киноя атамасининг ўзига хос маъноси хақида баҳсу мунозаралар кўп ва ранг-баранг бўлса-да, унга берилган таърифларнинг аксарияти муайян нукталарда туташади. Зеро, киноя сўзи мохиятан кенг тушунчани англатади. Шундай бўлса-да, уни оғзаки, вазиятли ва драматик каби уч асосий тонфага ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар бир турини эса пьеса, қисса, эссе ва шеърлар мисолида назардан ўтказиш мумкин. Жумладан, оғзаки киноя инсонларнинг сўзларини ўз маъносидан ташқари турли кўчма маъноларда қўлланишидан юзга келади. Оғзаки киноя сўзловчининг нияти у айтаётган нарсага тесқари бўлганда содир бўлади. Масалан, кўчада чанг-тўзонни кўриб, “Қандай ажойиб об-ҳаво!” дейилса, реалликка қарши айтилган шу мантиксиз фикр туфайли киноя содир этилгани сезилади. Чунки чанг-тўзонли об-ҳаво ҳеч қачон ҳеч кимга ёқимли туюлмагани аниқ. Демак, бунда сўзловчи ўзи айтган фикрга тесқари фикр билдириши (оксиморонини) назарда тутати.

Оғзаки истехзонинг бошқа турдаги киноялардан ажратиш турадиган асосий хусусияти шундаки, у сўзловчи томонидан атайлаб ишлатилади. Бу эса диалог жараёнида юзга келади. Бунда сўзловчи сўзларининг асл маъносидан тўғридан-тўғри фарк қиладиган тағмаъносидан фойдаланишга интилади. Оғзаки истехзога куйидагиларини мисол келтириш мумкин:

“Қатта раҳмат сизларга! Ҳеч қайси жадвал тўлиқ тўлдирилмаган, қандай қилиб мен ҳозир бунини бошлиққа топшираман?” (Бу киноя ишнинг бажаришда масъулиятсизлик ва безътиборлик қилган, топшириқларни чала бажарган кишиларга нисбатан айтилаётгани аниқлашмоқда. Шу билан бирга, унда сўзловчининг кўрқуви ва умидсизлик кайфияти ҳам сезилмоқда)

Оғзаки киноя, одатда, икки хил ҳолатда қўлланади: а) ортиқча баҳолаш учун, яъни киши бирор нарсанинг мохиятини бўрттириб кўрсатмоқчи бўлса; б) тушунмовчилик туфайли, яъни киши бирор нарсанинг хусусиятига путур етказганда (<http://typesofirony.com/#google>)

Аксарият ҳолларда истехзо ва оғзаки киноя бир-бирининг ўрнида ишлатилади. Бирок, иккаласи ўртасида аниқ фарқ бор. Истехзо кўнгина ҳолларда кимдир ҳақорат қилиш ёки ҳафа қилиш учун ишлатилади: “Шу ҳам санъат асаринми?” – деди у захархандалик билан.

Оғзаки киноя аслида тилга олинган нарсанинг тесқари маъносини назарда тутса, истехзо эса, асосан, ҳафа қилиш учун мўлжалланган қаттиқ ва тўғридан-тўғри баёнот сифатида ишлатилади.

Вазиятли киноядан нима содир бўлишини олдиндан билиб, кутилганда ва ҳақиқатда нима содир бўлиши ўртасидаги номувофикликни англаганда фойдаланилади. Масалан, кимдир ўзини химоя қилиш учун қурол сотиб оlesaю, аммо ўша қурол унинг бошига бало келтирса, бунинг натижасида қурол хавфсизлик таъминотчиси эмас, жароҳат етказувчига айланиб, вазиятли киноя манбасига айланади.

Бирок, вазиятли киноя ва тасодиф ёки омадсизлик ўртасида фарқ бор. Бирор киши деразаларини яхшилаб тозаласаю, бирдан ёмғир ёгса, бу шунчаки омадсизлик ҳисобланади, чунки у ёмғир ёгишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлади. Ёки телевиденида об-хаво ҳақида ахборот берувчи бошловчи бирдан кутилмаган бўронга тушиб қолса ҳам, бу жуда қулғили, кинояли вазиятга сабаб бўлади. Негаки, у об-хавонинг ўзгаришини билиб айтгач, ўз айтганларига амал ҳам қилиши керак бўлади.

Вазиятли киноя кўпинча ситком, яъни вазиятли комедияларда ишлатилади. Масалан, фарзандлар онасига қанчалик гамхўрликларини кўрсатиш мақсадида унга сездирмай, кутилмаган сюрприз қилиб, кўп вақт ва пул сарфлаганча онанинг тутилган қунини тантанали ташкил қиладилар. Бирок аслида уларнинг ҳеч бири онасининг тутилган қуни санасини аниқ эслолмайди. Онанинг тутилган қуни эса кейинги ойда экани маълум бўлгач, фарзандлар қаттиқ хижолат тортса, она газабланади. Фарзандларнинг сохта меҳрибончилиги вазиятли кинояга сабаб бўлади.

Драматик киноя бадий фильмлар, насрий, шеърӣй ва драма асарларида анча машҳурдир. Жумладан, томошабинлар спектакль, фильм ёки роман қахрамонлари билмайдиган асосий маълумотларни билиб туришса, драматик киноя вужудга келади. Драматик кинояга шаҳарда содир этилаётган жиноятлар учун жавобгар жиноятчи ўзининг шериги эканлигини билмаган изкувар ҳақидаги фильмни мисол келтириш мумкин. Бирок, томошабинлар бу ҳақиқатни олдиндан англаб, қахрамон ҳам буни тезроқ сезишини интиқлик билан кутиб туришади.

ШАРҲ ВА МУҲОКАМА

Драматик киноянинг уч босқичи мавжуд:

1. Ўрнатиш босқичи. Томошабинларга персонаж билмайдиган нарсалар ҳақида ахборот бериш.

2. Эксплуатация босқичи. Томошабинлар ўртасида қизиқувчанликни орттириш мақсадида шу ахборотдан фойдаланиш.

3. Қарорга келиш босқичи. Қахрамон ниҳоят нима бўлаётганидан хабар топса, нима содир бўлиши ҳақида қарор чиқарилади. (<http://typesofirony.com/#google>).

Драматик киноянинг яна бир маҳсуе тоифаси – бу фожиали киноя. Фожиали киноя, спектаклдаги қахрамон ўзи учун номаълум, аммо томошабинларга таниш маънога эга бўлган нарсани айтганда ёки қилганда содир бўлади. Қахрамон ўзини ўлдириш учун захар кўшилган овқат буюрганида, томошабинлар унинг тақдирида захарли овқатдан ўлиш борлигини билишади. Бу эса фожиали кинояга мисол бўлади.

Қадимги Юнонистон афсоналаридаги ҳаёт тасвирланган драмаларда фожиали киноя кенг тарқалган эди. Томошабинлар спектаклни кўришдан олдин ундаги қахрамонларнинг тақдирини аллақачон билинган. Буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг энг машҳур “Отелло”, “Ромео ва Жульетта”, “Генрих XII”; ўзбек драматургларида Абдурауф Фитратнинг “Арслон”, “Чин севиш” драмалари драматик кинояга бой бўлиб, уларни ўқиган сари рангли ифодалари китобхонни ўзига жалб қилаверди.

ХУЛОСА

Киноя инсон умидларини ўзгартириши, кишининг кутилмаганда ўз қарашларида бурилиш ясаши учун таъсир кўрсата олиш қучига эгалиги сабабли ёзувчилар эътиборини қозонган. Шунинг учун ҳар бир ёзувчи ўз асарига нмкон қадар киноядан ҳам фойдаланади.

Киноя ҳазил воситаси ҳамдир. У ўқувчи қалбида қулғи ва завқ уйғотиб, унга кўтаринки кайфият бағишлай олади.

Огзаки киноя қулғили, вазиятли киноя қулғили ёки фожиали, драматик киноя эса кўпгина ҳолларда фожиали бўлади. Хуллас, киноя ёзувчиларга драматик асарлар

гоявийлигини ва бадниятини ошириш, энг муҳими, уларнинг халқчиллиги ва таъсирчанлигини таъминлаш имконини бериши билан поэтик аҳамият касб этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. <https://literarydevices.net/irony>
2. Ironyexamples.iloveindia.com
3. Tulika Nair. Irony Examples in Literature that is Just Perfect for a Lazy Day
4. <http://typesofirony.com/#google>
5. Mavlanova Ugiloy Khamdamovna, Ruzieva Dिल्фуза Salimboevna, Babueva Vasila Toshpulatovna. Irony in dramatic works//International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – № 3.
6. Mavlonova U. K., Makhmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.
7. Urayeva D.S., Niyazova M.K. Historical roots and some artistic features of folklore and blessings in English and Uzbek literature. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) – Peer Reviewed Journal. Volume. 6 | Issue: 8 | August 2020 || Journal DOI: 10.36713/epra2013 || SJIF Impact Factor: 7.032 || ISI Value: 1.188 / ISSN (Online): 2455-3662. – P. 533-535 / www.eprajournals.com | Journal DOI URL: <https://doi.org/10.36713/epra2013>
8. Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dिल्фуза Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science – 2020 – Issue 04, Volume 84. SOI: 11/TAS DOI: 10.15863/TAS
9. Urayeva D.S., Nurullayeva S.M. Expression of the realities and people of the war period through mythological images. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal – India. – Vol. 10, Issue 8, August 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. / ISSN: 2249-7137 – P. 459-463 / <https://saarj.com>
10. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. Similarities and Differences between types of Comic // International Journal on Integrated Education. September 2020, Volume 3, Issue IX. <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>
11. Mavlonova U.K., Makhmurova M.Kh., Kodirov T.D. DESCRIPTION OF ART MEDIA IN LITERATURE // LXIV International Correspondence Scientific and Practical Conference “EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY» June 5-9, 2020 London, United Kingdom
12. Sharipova D.Sh., Mavlonova U.Kh., Ibatova N.I. BEHAVIORAL LANGUAGE ETIQUETTE IN UZBEK PROVERBS AND SAYINGS // ВЕСТНИК НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ № 11(89) Часть 3. 2020. P. 51-53
13. Mavlonova U.Kh., RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26.
14. U.K. Mavlonova, R.A. Achilova. THE PROBLEM OF TRANSLATION OF REALIA (AMERICANISMS). Dostijeniya nauki i obrazovaniya, 5/59, 2020.
15. Mavlyanova Ugiloy Khamdamovna. Irony in Fitrat's Dramas. International Engineering Journal For Research & Development 5 (CONGRESS), 3-3, 2020/11/23
16. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna, Makhmurova Mavjuda Khalimovna. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN LITERATURE. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 26-27.

17. Urayeva D.S. The expression of the national traditions and beliefs in uzbek phraseological units *International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA* issue 06, volume 86 published June 30, 2020 – P.469-472 / <http://t-science.org/axivDOI/2020/06-86.html> Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-06-86-89> Doi: <http://dx.doi.org/10.15863/TAS>